
РИШТОНЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАР МАРРАСИНИ ЗАБТ ЭТДИЛАР

Бугун Риштонда катта байрам! Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратган Риштонлик пахтакорлар 10 ойлик тинимсиз меҳнатларининг самараси ўлароқ, 20 минг тоннадан ортиқ пахта хом-ашёси етказиб беришиб, Кластер билан тузилган шартномавий режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Пахтачиликда янги ислохотлардан бўлган Кластер тизими вилоятимизда биринчи бўлиб Риштонда жорий этилган. Тумандаги пахтачиликка ихтисослашган барча фермер хўжаликларида йил давомида шундай тизим асосида иш ташкил қилинди. Пахта тозалаш корхоналари ва пахта-тўқимачилик кластер корхоналари билан шартнома тузилиб, ушбу шартнома асосида ғўза парваришини амалга оширдилар. Натижада пахтакорга яратилган шароит яхшиланиб, ҳосилдорлик кўлами ортиди. Бугун улкан меҳнат ғалабасига эришилган кунда илғорлар ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ, Туманимизнинг улкан пахта хирмонини бунёд этишда фермер хўжаликлари меҳнаткашларининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Хусусан, 150 дан ортиқ фермер хўжалиги бугунги кунга қадар белгиланган шартномавий режани шараф билан адо этишда бошқаларга ибрат намунасини кўрсатдилар. Айти дамда туманимизнинг қай бир ҳудудига разм солманг, катта тўю тантанага гувоҳ бўласиз. Истагимиз, мана шу хурсандчилик бардавом бўлсин! Ҳар бир кунимиз хушxabарларга бой ўтсин!

Зафарингиз муборак бўлсин, Риштонлик пахтакорлар!

2021-10-18 11:16:40